



ҚОРАҚАЛПОҚ ФОЛЬКЛОР САНЪАТИДА КОМИЛ ИНСОН КОНСЕПЦИЯСИ НАМУНАЛАРИ

Айтмуратова Зиба

«Ижтимоий фанлар» кафедраси ассистенти
Қорақалпоқ давлат университети, Нукус шаҳри.
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7854609>

ARTICLE INFO

Received: 13th April 2023

Accepted: 21th April 2023

Online: 22th April 2023

KEY WORDS

Нақл - мақоллар, тарбия,
комил инсон, руҳий тарбия,
инсоний фазилятлар, илмий-
фалсафий қарашлар

ABSTRACT

Ушбу мақолада келажак авлодни комил инсон сифатида тарбиялашда қорақалпоқ фольклорининг ўрни ва аҳамияти акс этирилган. Халқимизнинг дунё қараши, ижтимоий-сиёсий, маънавий ва фалсафий қарашларини ўзига хос тарзда бадиий талқин этилувчи фольклор асарлари кўплаб жанрларни ўз ичига олган ғоят нодир манба ҳисобланади. Қорақалпоқ фольклори ўзига хос узоқ тарихга эга унинг ҳар бир сатрларида комил инсон масаласига доир маъноли уғит-насихат сўзларини ўчратамиз. Шунингдек, комил инсонни тарбиялашда, миллий қадириятларни шакллантиришда баркамол авлод онгида маънавий билимларни ривожлантиришда қорақалпоқ нақл мақолларнинг аҳамияти тадқиқ этилган.

Туркийзабон халқлар дунёсида миллатимизнинг ўзлигини, тили ва ҳаёт тарзини, анъана ва урф одатларини ўзида ифода этадиган халқ ижоди билан вужудга келган фольклор санъати умумбашарий маданиятнинг ўзвий қисми сифатида бутун инсоният учун хизмат қилади. Ўзининг қадимий ва бой миллий маданияти билан жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшган аждодларимиз хилма-хил жанрлардан иборат бой фольклор анъаналарини яратишган. Асрлар давомида эзгуликни тараннум этиб келган бу тафаккур дурдоналарида халқимизнинг улуғвор мақсадларга йўналтирилган энг олижаноб қарашлари ўз ифодасини топган. Зеро, бадиий салоҳияти ғоят юксак бўлган халқимиз поэтик иқтидорининг серқирралигини ўзида мужассамлаштирган оғзаки бадиий ижод дурдоналари асрлар давомида битмас-туганмас руҳий қувват манбаи бўлиб хизмат қилган.

Халқимизнинг дунё қараши, ижтимоий-сиёсий, маънавий-эстетик ва фалсафий қарашларини ўзига хос тарзда бадиий талқин этилувчи фольклор асарлари кўплаб жанрларни ўз ичига олган ғоят нодир манба ҳисобланади.

Фольклор асарлари она диёримизда юксак маданиятни бунёд этган аждодларимизнинг турмуш тарзи, орзу-интилишлари, урф-одат, маросим ва анъаналарини мукамал акс эттирганлиги учун ҳам қадрлидир.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2019 йил 6 апрелда халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида "юртимизда 100 томлик «Ўзбек халқ оғзаки ижоди ёдгорликлари» мажмуаси нашр этилмоқда, ўнинг 59 жилди айнан халқ дostonларидан иборат эканини қайд этиш лозим.Шунингдек, кўп томлик «Қорақалпоқ фольклори» тўплами ҳам чоп этилди.Буларнинг барчаси ушбу нодир санъат маънавий ҳаётимизда бениҳоя муҳим ўрин тутишидан далолат беради" [1] - дея таъкидлаганидек инсоният яратган бебаҳо маънавий маданият дурдоналари энг аввало ҳар бир миллатнинг фольклор асарларидан ўрин олиб, ў келажак авлодларимизнинг инсоний фазилатларини бойитувчи нодир маънавият манбаси бўлиб хизмат қилади.

Фалсафа фанлари доктори С.Баҳадырованинг таъкидлаб ўтганидек, қорақалпоқ фольклори халқимизнинг маънавий маданиятининг онг ва тафаккур фалсафасининг асоси. Бу тарихнинг бир неча юз йиллик синовлардан ўтган, аждодларимизнинг маънавий бойлиги, юксак инсонийликнинг, фидойиликнинг намунаси ва тажрийбаси ҳисобланади.Фольклор санъати баркамол инсонларни вояга етказишга хизмат қилади. [2,19]. Биз сўз этмоқчи бўлган 100 томлик қорақалпоқ фольклори асарларининг ҳар бир сатрларида комил инсон масаласига доир маъноли угит-насихат сўзларини ўчратамиз. Инсон ўзининг кундалик фаолиятида бошқаларга қанча фойда келтирса, ёмонларни тўғри йўлга бошласа, ҳақ йўлида фидойилик қилса, шунчалик юксакликка комилликка кўтарилади.

Бошқача айтганда, комил инсон ўзининг камтарлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Масалан: уша асарларнинг 88-100 томларининг 43-91 саҳифаларида [3.43-91] инсон ва инсоний фазилатлар ҳақида донолик сўзлар ўрин олиб, ушбу сатрлар келажак ёшларимизни комил инсон даражасида тарбиялашга хизмат қилади.

Чунки қорақалпоқ халқининг тарихий хотирасининг бир бўлаги сифатида эътироф этилган баддий ижоднинг олтин хазинаси ва маржонлари – минг асрлар давомида яратилган мақоллари катта аҳамиятга эга бўлиб келган. Нақл мақоллар узоқ вақт давомида отадан болага маънавий мерос бўлиб, унда аждодларимиз ўзларининг ҳаёт тажрибаларини йиғиб, донолик сўз маржонларини занг бўлмайдиган даражада шу кунгача эъзозлаган.Бу эса бугинги кунда «оталар сўзи» сифатида қадирланади [4.38].

Шунингдек қорақалпоқ фольклорининг 88 том 43 саҳифасидан ўрин олган инсон ва инсонийлик фазилатларга оид нақл мақолларида: «Бирлик бор ерда тирикчилик бор», «Олти оғиз ола бўлса оғзидагини олдирад, Тўрта тугал бўлса, тепадагини туширад» [5.436] - деган қаторларини талқин этганимизда бирлик бор ерда бемалол ҳаёт бор эканини, агарда, олти оғиз ола бўлса ўз насибасидан жудо бўладиганини, тўртта тугал бўлса тепадагини кўлга киритишини назарда тутати. Янада оғизбирчиликга оид қаторларда бирлашган узар, бирлашмаган тўзар, сатрларига унинг маъносига эътибор қаратсак бирлашмаган эл ўртасида тўполон юзага келишини эслатади. Масалан: «бойлик - бойлик эмас, бирлик бойлик» - дея таъкидлай ўтириб ҳаёт кучи бирликта эканини кўрсатиб ўтади.

Қорақалпоқ халқининг нақл мақолларида "ёлғиз юриб от чопма" деб таъкидлаганидек, бу буйича бир қанча маъноли термаларни кўришимизга бўлади.



Масалан: "ёлғиз тепа панох бўлмас, ёлғиз еғоч соя бўлмас, янада ёлғиз еғоч ўрмон бўлмас, ёлғиз ғишт қўрғон бўлмас" деган сатрлари фалсафа диалектикасидаги яккалик билан умумийлик ва яккалик билан алоҳидалик категориясининг хусусиятлари ва афзалликларини акс этади. Диалектиканинг қонун ва категориялари воқеаликдаги нарса ва ходисаларнинг энг умумий алоқасини акс эттириб, инсонда нарсаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш, уларнинг тараққиёт қонунларни билиш ва оламда юз берадиган ходисаларни онгли таҳлил қилиш имкониятини яратади [6.1206].

Масалан:

Кўп оғиз бир оғиз юк бўлар,
Ёлғиз отнинг чанги чиқмас
Ёлғизнинг овози чиқмас,
Чанги чиқсада матонат чиқмас

сингари нақл мақолларнинг асл мақсади халқимизни аҳил-иноқликка ва буюк ишларга ундовчи олий фазилатлар сифатида таърифланади.

Қорақалпоқ халқ мақолларида илм олиш, ҳалоллик, Ватанга меҳр ва садоқат, ростгўйлик улуғланса, ёлғончилик, билимсизлик, нодонлик каби иллатлар қораланади. Масалан келажак авлодларга қарата тарбиявий аҳамияти катта сатрларни кўпроқ учратамиз, ўзим биламан деган ўз бошига вайронагарчилик солар, кўп билади деган боғга кўрғон солар деган сатрларда, айниқса айтганини қабул этмайдиган ёшларга қаратилиб айтилганидек сезилади. Ёки кўрғон солиш мушкул иш унга фақатгина билимдон инсон устидан чиқади. Масалан: инсоннинг яхши фазилатларга ва ёмон ишлардан йироқ юришига ундайдиган мунособатларга оид «жанжал яхшиликка олиб бормас», «Бир мардумли оғизга икки мардумли қопкоқ керак» нақллари ҳеч қачон, ўзаро муросасизлик ва жанжалкашлик йўли билан яхшиликка эришиб бўлмаслигини, бир мардумли оғизга ақлнинг кўзи билан иш тутиш зарурлигини эслатади.

Биз қорақалпоқ оғзаки ижодидаги сатрларни талқин этганимизда инсон тарбияси учун маънавий хизмат этадиган, бир-бирига ухшамайдиган ҳар-ҳил фалсафий тушунчаларга эга бўламиз. "Кўрганини эскидан сўра, эски билмаса кўпчиликдан сўра" - бу сатрда ўзбек халқи орасида кенг таралган "қариси бор уйнинг париси бор" сўзи билан бирдек маънони англашиб, ёши улуғ инсон кўп нарсани биладиганини эслатиб ўтади. Халқ оғзаки ижодида, бирликли эл жамоат бўлиб ҳаёт кечиришнинг афзаллигини ҳар томонлама исботлайди.

Масалан: «тўкин-сочинлик қайда бўлса, тўкчилик ҳам шунда бўлар», «Кенгашиб бичкан тўн узун бўлар, ёки халқ орасида кенгашли тўн калта бўлмас сўзлари» маслаҳатлашиб ҳал этилган ишларнинг афзалликларини кўрсатади. Фалсафа категорияларига мувофиқ ҳаёт кечиришда яккалик ва умумийлик афзалликларини тарифлашда, ёлғиз уйнинг оши етсада, тобоғи етмас деган сўзи, халқимизнинг миллий менталитетига мувофиқ, ҳар бир оила яқин қўшничиликда обрў - эътиборга эга бўлишини эслатиб ўтади.

Қорақалпоқ халқи орасида таралган "битта ҳарф ўргатган узтозга 40 кун салом бер" - деган нақл сўз бор, бундай инсоний фазилатлар қадимдан бор бўлиб,



халқимиз дастурида ҳам тандирда нон ёпган онахонларимиз анъанага кўра ёнидан ўтиб бораётган кишига "нондан олинг" деган сўзлари бугунги кунгача сақланиб келаётганини кўришимизга бўлади. Бундай миллий анъаналаримиз халқ оғзаки ижодида шундай деб келтирилади - «бир мартоба тузингни ичганга қирқ кун салом» деган сўзлари яхшиликка яхшилик билан жавоб кайтаришнинг намунаси бўлиб ҳисобланади.

Қорақалпоқ халқида инсоннинг бир-бирига ва ўз дўстига содиқлик руҳида қаратилган насихат сўзларини ҳам кўришимизга бўлади. Масалан: "олисдан кўрган олдирмас, йўлдошини душманга қолдирмас" - деган сатрлари халқимиз орасида кенг тарқалган бўлиб "йўлга чиқсанг йўлдошингни топиб чиқ" деган нақл сўзини исботлайди. Янада "юксалган элнинг белгиси бири ширин, бири бол, юксалмас элнинг белгиси бирини чаён, бири мол, мард йигитнинг белгиси, далада падшоҳ, уйда қўл. Деган қўшиқ қаторларида олга интилаётган азамат ўғлонларнинг ўзаро муносабатлари асалдек ширин бўлиши, аксинча иш тутган инсонларнинг ҳеч қачон инсоний фазилатга тўғри келмаслигини эслатиб ўтилади.

Қорақалпоқ халқ оғзаки ижодида яхши ном билан шуҳрат қазониш, яхши инсон ўртасидаги инсоний фазилатларни таққослай ўтириб, арғимоқ оттнинг белгиси, озгина ўтлаб кўп ишлар, алп йигитнинг белгиси, озгина сўзлаб кўп тинглар қаторини ўқиганимизда ҳаёт фақатгина еб - ичишдан иборат эмас, аммо инсон учун ҳам ўринли кам гапириб кўп тинглаш зарурлигини эслатиб ўтади [7.44бет].

Шунингдек халқимиз орасида «барака қайда борасан аҳил- иноқликка бораман» деганидек, бирники мингга мингники оламга татир деган иборалар турли шаклларда берилган аҳил-иноқликнинг афзаллигини кўришга бўлади.

Қорақалпоқ халқи орасида ёши катта инсонларни улуғлаш, ҳурмат-иззатни кўрсатиш, уларга жой бериш, донолик сўзларини тинглаш, зарурлик бўлса қўлидан келганича ёрдам қўлини чўзиш, авлоддан авлодга утаётган дастур бўлиб ҳисобланади. Мана шундай меҳир муруват билан боғлиқ ёши катта инсонларга оид муносабатларни учратамиз.

Масалан: Қорақалпоқ фольклори 84 томнинг 45 саҳифасида [8.45] ёши улуғ инсонни ҳурмат қилсанг тўрдан жой бер, эрни сийлаган эшикда ўтирмас, ўликни сийлаган бой бўлар, тирикни сийлаган бий бўлар, ҳурмат қилсанг ҳурмат кўрасанг "арғумоқ минган хоримас, қиёмат куни - қўшнидан", деган сатрларда инсонга ҳурмат - иззатни кўрсатишга, уларни эъзозлашга даъват этадилар.

Ҳар бир инсон учун комиллик сифат ва тарбия бу юкори фидойиликнинг, буюкликнинг, инсонийликнинг, одоб-ахлоқнинг нишонаси эканлигини исботлайди. Ёши улуғ инсонни ҳурмат этган киши бошқарувчилик даражасига этишини, ҳаттоки ўзингни ҳурмат этган инсон билан дўст бўлиш зарурлигини кўрсатиб ўтади. Бундан ташқари фольклор асарлари ижтимоий қимматга эгалиги билан ҳам ажралиб туради. Шунинг учун ҳам фольклор санъати келажак авлодни маърифий, маданий, тарбиявий ва эстетик жиҳатдан тарбиялашда асосий аҳамиятга эга.



References:

1. Мирзиёев Ш.М.Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Ташкент:«Ўзбекистон».-НМИУ 2019.-3 жилд,137-бет
2. Баҳадырова С. Қарақалпақ фольклорының 100 томлығы – илим жаңалығы//Халық аўызеки дәретиўшилиги миллий ҳәм улыўма инсаный қәдирятлар системасында//Халық аралық илимий конференция материаллары. «Нөкис». 2015.
3. Қарақалпақ фольклори.88 -100 томлар, Нөкис «Илим», 2015 43-91бет
4. Баҳадырова Сарыгүл «Қарақалпақ қандай халық» - Ташкент. «Наврӯз» баспасы,2017.37-38-бетлер.
5. Қарақалпақ фольклори.88 -100 томлар, Нөкис «Илим», 2015 43.
6. Фалсафа.қискача изоҳли луғат Тошкент.«Шарқ» нашриёти.2004 йил 120-бет.
7. Қарақалпақ фольклори.88 -100 томлар, Нукус «Илим»,2015 44-бет.
8. Қарақалпақ фольклори.88 -100томлар, Нукус «Илим»,2015 45-бет.